

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.27.06.2017.Qx.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВА ГУЛНОЗ УСМОНОВНА

**ШУВОҚ-БАРРА УТЛИ ҚАРНАБЧУЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА КЎП
ЙИЛЛИК ОЛАБУТА (*ATRIPLEX sp.*) ТУРЛАРИНИ
МАДАНИЙЛАШТИРИШНИНГ АГРОТЕХНИК АСОСЛАРИ**

06.01.08-Ғеимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственной науке**
Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Хамроева Гулноз Усмоновна

Шувоқ-барра утли Қарнабчул иқлим шаронтида куп йиллик олабута (*Atriplex* sp.) турларини маданийлаштиришнинг агротехник асослари..... 3

Хамроева Гулноз Усмоновна

Агротехнические основы введения в культуру многолетних видов рода атриплекс (*Atriplex* sp.) в условиях полынно-эфемеровой пустыни
Қарнабчуль 21

Chamroeva Gulnoz Usvonovna

Creating intensive varieties of soft wheat and the ways to improve
seed quality of seeds..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.27.06.2017.Qx.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚУЛЧИЛИК ВА ЧУЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВА ГУЛНОЗ УСМОНОВНА

ШУВОҚ-БАРРА УТЛИ ҚАРНАБЧУЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА КУП
ЙИЛЛИК ОЛАБУТА (ATRIPLEX sp.) ТУРЛАРИНИ
МАДАНИЙЛАШТИРИШНИНГ АГРОТЕХНИК АСОСЛАРИ

06.01.08-Усимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

SamQXI Axborot
resurs markazi

IV № - 14227

Самарқанд - 2018

Кишлок хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.1.PhD/Qx40 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақўлчилик ва чул экологияси илмий-тадқиқот
институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме))
Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samqxi.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида
(www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳамдамов Искандар Ҳамдамович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ботиров Хидир Файзинович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Убайдуллаев Шавкат Рашидович
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд кишлоқ хўжалик институти ҳузурдаги илмий даража
берувчи PhD.27.06.2017.Qx 12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «02» 11 соат
10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кучаси 77 уй;
(+99866) 234-07-86; факс. (99866) 234-33-20; e-mail: saai_info@edu.uz. Самарқанд кишлоқ хўжалик
институти. Бош бино, 2-кават, кичик мажлислар зали.)

Диссертация билан Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг Ахборот-ресурс марказида
таънишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри,
М Улугбек кучаси, 77 уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «21» 11 кунни тарқатилди.
(2018 йил «18» 11 даги _____ рақамли реестр баённомаси)



Т.Э.Остонақулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
К.х.ф.д., профессор

А.Л.Санақулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.д., доцент

А.А.Элмуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.х.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё харитасида чалачўл ва чўл ҳудудлар Ер шари куруклик қисмининг 17-25 фоизини ташкил этса, Африка ва Австралияда 40 фоиз майдонларни ишғол этади¹. Чўлларнинг кўпчилиги геологик платформада шаклланиб, қурғоқчилик минтақасининг қадимий қисмини ташкил этади. Чўллар Марказий Осиё, Африка ва Австралияда тарқалиб, одатда денгиз сатҳидан 200-600 метр, Марказий Африка ва Шимолий Америкада эса 1000 метр баландликда тарқалган. Кўпчилик чўллар тоғлар ёки бошқа бир муҳитлар билан чегараланган бўлиб, баланд тоғларнинг мавжудлиги ҳамisha циклонлар ҳаракатланишига тўсқинлик қилади. Ҳатто ёғингарчиликнинг асосий қисми тоғларнинг бир томонида содир бўлади, иккинчи томонида эса ёғингарчилик кам бўлади ёки умуман кузатилмайди. Чўл шароити жуда ҳам қийин бўлиб, сув танқислиги, ҳаво намлигининг пастлиги, радиация энергияси (инсоляция)нинг кучли бўлиши, қор қопламанинг камлиги ёки умуман бўлмаслигидан содир бўладиган кишки совуқлар кузатилади. Шунинг учун чўл ҳудудларида асосан ўзига хос ўсимликлар қоплами (морфо-физиологик ҳамда шароитга мослашган) шаклланади.

Дунёдаги мавжуд чўлларда (Гоби, Сахрои Кабир, Лут сахроси, Руб-эль-Хали, Намиб, Калахари, Атакама, Симпсон) қорвачилик яхши ривожланган. МДХ давлатларида чўлларнинг асосий қисмини Қозоғистон ишғол этади. Дунёда яйлов қорвачилиги (қўйчилик, туячилик) учун қулай шароит кумли чўллар ҳисобланади ва бу шароитда қорва моллари учун йил давомида фойдаланиш мумкин. Дунё чўлларининг тавсифли томони шундаки, уларда сув танқислиги, ўт қопламанинг камлиги сабабли қорва моллари учун тез-тез жой алмаштирилади. Шунга қўра, чўллардаги мавжуд ўтларнинг тур таркибини аниқлаш, уларнинг биологик хусусиятларини, тарқалишини ва қорвачилик учун фойдали хусусиятларини ўрганиш асосида уларни кўпайтириш, уруғчилигини йўлга қўйиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш чўл қорвачилигини ривожлантиришда, чўллардаги деҳқончилик маданиятини оширишда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ялли улушининг 40 фоиздан ортигини қорвачилик маҳсулотлари ташкил этмоқда². Шу боис, инкирозга учраган чўл яйловларини фитомелиорациялаш, яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, интродукция қилинган ўсимликларни парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ ҳўжалиги соҳасини модернизациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ўсимлик ва ҳайвонлар

¹ Ы.Ғ. Новости и общество / Окружающая среда.

² Мирзаев З. Аграр соҳадаги жадал илҳотлар // Ж. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги 2017. -№ 9. -Б 9.

селекциясида самарали усулларни қўллашга катта аҳамият берилган. Жумладан, Самарканд вилояти Нуробод туманидаги «Ўзбекистон», «Сахобота», «Тим-Агрон чорвадори» масъулияти чекланган жамиятларда, Навоий вилояти Нурота туманидаги «Истиклол», Бухоро вилояти Когон туманидаги «Зиробод», Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Рустамнома», «Тутак Карим даласи» фермер хўжаликлариди чўгон, изен, терескен ўсимликларини экиш орқали яйловлар ҳосилдорлигини оширишга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги №-2841-сон «Чорвачиликда иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг урганганлик даражаси. Ўзбекистон чўл яйловларини фитомелиорациялаш орқали ҳосилдорлигини ошириш, истикболли озубабоп чўл ўсимлик турларини танлаш, маданийлаштириш, уларнинг интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги бўйича З.Ш.Шамсуддинов, Р.М.Чалбаш, Л.А.Назарюк, А.Х.Ҳамидов, М.М.Махмудов, Б.Раджабов, С.Д.Аслитдинов, А.Раббимов, Х.Р.Ҳалилов, Т.Н.Нуримов, Ж.Нажмиддинов, Б.Бекчанов, Т.Х.Муқимов, Х.Т.Назаров, В.Ю.Шегай, МДХ давлатларида С.Абдурайимов, Н.Ескараев, Д.С.Прянишников, А.Валиев, Р.Римбаев, Г.М.Мухаммедов, М.Дуриқов, А.В. Валиев, хориж мамлакатларида J.Aronson, D.Pasternak, M.Forte, O.S.Tomar ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Бирок, Қарнабчўл шартотида кўп йиллик олабута турлари, уларни маданийлаштириш, яйловлар ҳосилдорлигини оширишдаги аҳамиятини аниқлаш борасида етарлича тадқиқотлар бажарилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-7-039 «Арид ўсимлик ресурсларини мобилизациялаш орқали иқлим ўзгариши шароитида чўлланиш ва яйловлар инкирозининг олдини олувчи илгор агротехнологияларни ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қарнабчўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда Сурия ва Бирлашган Араб Амирлиги давлатларидан олиб

келинган кўп йиллик олабута турлари (*Atriplex canescens* ва *A.undulata*)ни маданийлаштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Atriplex canescens ва *A.undulata* турлари биологияси, уруғларининг униб чиқиши, яшовчанлиги, ўсимликларнинг тупроқ намлиги ва ҳароратига талабларини ўрганиш;

Қарнабчўл иклими шароитида *Atriplex canescens* ва *A.undulata* ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши, ўсиш динамикаси, илдиз тизимининг шаклланиши, ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш;

Atriplex canescens ва *A.undulata* ўсимликларининг ривожланиш фазалари бўйича озуқавий хусусиятларини, ейилувчанлигини ўрганиш;

Atriplex canescens ва *Atriplex undulata* ўсимликларини Қарнабчўл шароитида маданийлаштиришнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш (экиш муддати, меъёри ва чуқурлиги).

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қарнабчўлнинг инкирозга учраган яйловлари, ICARDA ва ICBA ташкилотларидан олинган *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимлик турлари ҳамда маҳаллий изен (*Kochia prostrata* (L.) Schrad) уруғлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши, илдиз тизимининг шаклланиши, ўсимлигининг сув режими, пичан ва уруғ ҳосилдорлиги хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини ўтказиш, уруғларни экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни уриш ва ҳисоблаш, кузатиш, ўлчаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услубига, «Чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиялар»га асосланиб олиб борилган. Тадқиқотлардан олинган малумотларга математик-статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуби асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

илк бор Қарнабчўл тупроқ-иклим шароитида араб мамлакатларидан олиб келинган кўп йиллик олабута турлари – *Atriplex canescens* ва *A.undulata* ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши, яшовчанлиги, ҳосилдорлиги, ейилувчанлиги ва озуқабоплик хусусиятлари аниқланган;

кўп йиллик олабутанинги *Atriplex undulata* турига мансуб «Ягона» нави яратилган;

Atriplex canescens ва *A.undulata* турлари уруғларининг лаборатория ва дала унувчанлиги, уларни совуқ стратификациялаш орқали унувчанлигини кескин ошириши ҳамда уруғларнинг ҳаётчанлиги аниқланган;

ўсимликлар илдиз тизимининг шаклланиши, *Atriplex undulata* ўсимлигининг транспирация интенсивлиги, тўқималардаги сув миқдори, сув танқислиги маҳаллий фитомелиорант ҳисобланган изен (*Kochia prostrata* (L.) Schrad) билан киёсий баҳоланган;

Atriplex canescens va *Atriplex undulata* ўсимликларини Қарнабчўл шароитида маданийлаштиришнинг агротехник тадбирлари (экиш муддати, меъёри ва чуқурлиги) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон табиий флораси мутлако янги икки турдаги *Atriplex canescens* va *Atriplex undulata* ўсимликлари билан бойитилган;

Atriplex undulata ўсимлигининг маҳаллий нави яратилган ва Давлат нав синаш комиссиясига топширилган;

истикболли маҳаллий фитомелиорантлардан фаркли ўларок, *Atriplex canescens* va *Atriplex undulata* ўсимликлари уруғлари узоқ муддатларда ўз унувчанлигини йўқотмаслиги аниқланган ва уларнинг бу хусусиятидан фойдаланиб, уруғ захираларини яратиш, улардан келгуси йилларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

Қарнабчўлнинг инкирозга учраган яйловлари шароитида кўп йиллик олабута турлари *Atriplex canescens* va *Atriplex undulata* ўсимликлари ҳар гектардан 15,8-25,8 центнер пичан ва 2,1-3,2 центнер уруғ ҳосилини етиштиришни ва яйловлар ҳосилдорлигини табиий яйловларникига нисбатан 5-6 маротабагача ошириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва ишлаб чиқариш усулларида фойдаланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда назарий натижаларнинг олишган амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг маҳаллий ва хориж илмий-тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тушланган маълумотларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришда кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон чўл яйловларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида фитомелиорантларни танлашда нафақат маҳаллий турларни жалб қилиш, балки хориж мамлакатлар флорасидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги, чўл озукабоп ўсимликларининг янги маҳаллий навининг яратилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти истикболли фитомелиорантлар қаторининг икки янги тур билан бойитилганлиги, уларни Ўзбекистон чўллари шароитида парваришлашнинг агротехник тадбирлари ишлаб чиқилганлиги, *Atriplex canescens* ўсимлигининг Қарнабчўл шароитида узоқ (265-270 кун) вегетация даврига эгалиги ва бу чорва ҳайвонларини кеч куз ва қиш (декабрь-январь) мавсумларида ҳам яшил озуқа билан таъминлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шувок-барра утли Қарнабчўл шароитида кўп йиллик олабута турларини маданийлаштиришнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш буйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қорақўлчилик фермер хўжаликлари учун «Шувоқ-эфемерли Карнабчўл тупрок-иклим шаронтида қўп йиллик *Atriplex undulata* ўсимлигини етиштиришга оид агротехник тавсиялар» ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 12 июндаги 6-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида яйловлар ҳосилдорлиги гектарига 15-25 ц/га га ошишига эришилган;

қўп йиллик олабутанинг *Atriplex undulata* турига мансуб «Ягона» нави яратилиб, қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилган (Давлат нав синаш комиссиясининг 2017 йил 21 августдаги 53/4-369 сон маълумотномаси). Бугунги кунда ушбу навнинг бирламчи уруғчилик майдонлари барпо этилган;

яйловлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қўп йиллик олабутанинг *A. undulata* тури Самарқанд вилоятида 4 гектар, Жиззах вилоятида 4 гектар, Бухоро вилоятида 4 гектар, жами 12 гектар майдонда жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 02/12-613-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида яйловлар ҳосилдорлиги табиий яйловларга нисбатан 4-5 баробарга (35,4 ц/га) ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг апробация комиссиялари томонидан баҳоланган, 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Atriplex L.* туркумига мансуб озуқабоп ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлиги» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан

бирга, илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазибалар белгиланган.

Ўзбекистонда тарқалган олабуталар (*Atriplex L.*) туркумига мансуб турларнинг аксарияти озукавий аҳамиятга эгалиги, уларнинг деярли барчаси бир йиллик ўсимликлардан ташкил топганлиги, яйловларни фитомелиорациялаш мақсадида улардан деярли фойдаланилмай келинаётганлиги, аксинча купчилик қурғоқчил минтақалардаги хориж мамлакатларда ўта қурғоқчил ва шурланган яйловларни фитомелиорациялаш ва ҳосилдорлигини оширишда олабуталарнинг, айниқса куп йиллик турларидан, жумладан *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* турларидан кенг фойдаланилаётганлиги ва улар истиқболли озукабол ўсимликлар сифатида танлаб олинганлиги, ушбу турларни Ўзбекистоннинг гипсли чуллари шароитида синаш, уларни етиштиришнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги, ушбу йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришнинг зарурлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари батафсил ёритилган. Дала тажрибалари Қорақулчилик ва чул экологияси илмий-тадқиқот институтининг Қарнабчулда жойлашган «Қарнаб» тажриба даласида олиб борилган. Қарнабчулнинг иқлими, барча Урта Осиё чуллари сингари қурғоқчиллиги ва кескин континенталиги билан ажралиб туради. Куп йиллик ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $+17,1^{\circ}\text{C}$. Энг иссиқ ҳаво ҳарорати июнь-июль ойларида кузатилиб, $+40+47^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Энг совуқ ҳаво ҳарорати декабрь-февраль ойларида кузатилиб, баъзан $-20-30^{\circ}\text{C}$ гача етади.

Ўртача йиллик ҳавонинг нисбий намлиги 30% бўлиб, ёз ойларида 10-20 фоиздан ортмайди. Ёгингарчиликнинг асосий қисми ноябрь-апрель ойларига тўғри келади. Куп йиллик ўртача ёгингарчилик миқдори 162,0 мм ни ташкил қилади ва турли йилларда 81,9 мм дан 297,4 мм гача ўзгариб туради. Тадқиқот йилларида (охирги 10 йил) ёгингарчиликнинг ўртача миқдори 167,1 мм ни ташкил қилиб, турли йилларда 100,1 мм дан 299,7 мм гача ўзгариб туриши, 2004, 2009, 2013 йиллар серёгин булганлиги, 2005, 2007, 2012 йиллар ёгингарчилик ўртача ва 2006, 2008, 2010, 2011, 2014 йиллар қурғоқчилик кузатилганлиги таъкидланган. Қарнабчулнинг тупроқлари бўз-кўнғир ва оч тусли бўз тупроқлардан иборат. 18-25 см чуқурликда сарғиш тусли гипс кристаллари ва сувда осон эрийдиган тузлар булган қатлами билан ажралиб туради. 100 см чуқурликкача тупроқ деярли шурланмаган. Чуқурроқ қатламда қаттиқ қолдик асосан NaCl ва CaSO_4 тузларидан иборат ва унинг миқдори 1,2 фоизгача. Юқори қатламда гумус миқдори 0,8 фоиз, чуқурлашиб борган сари бу кўрсаткич 0,17 фоизгача камаяди. Ҳайдалма қатлам зичлиги $1,45-1,50 \text{ г/см}^3$, қуйи қатламларда $1,72 \text{ г/см}^3$.

Механик таркибига қараб, тупроқнинг турли қатламларидаги намлик миқдори 1,0-1,2 фоиз, намлик сизими 13,7 дан 9,7 фоизгача ўзгариб туради. Намлик сизими ва мавжуд намлик миқдорларини солиштириш шундан далолат берадики, Қарнабчул тупроқлари хатто баҳорда ҳам купинча сув

билан тулик туйинмайди. Қарнабчулнинг усимлик қоплами шувок-эфемерли ассоциациялардан иборат. Шувокдан ташкари ярим буталардан: куйровук, чўгон, эфемер ва эфемероидлардан: қунгирбош, ялтирбош, читир турлари, арпогон лолакизгалдоқлар кўп учрайди. Бир йиллик шура утлардан: сета, баликқуз, қуёнжун, дағал пояли усимликлардан: янтоқ, қаррак қабилар учрайди. Қарнабчул яйловларининг ҳосилдорлиги турли йилларда 1,6-3,0 ц/га ейилувчан массани ташкил қилади. Яйловларнинг 50-60 фоизида шувок ўрнини исриқ ва қирқасоч эгаллаган, бу ҳолат яйловлар инкирозидан дарак беради.

Дала тажрибаларида қуйдаги кузатиш, ўлчаш ва ҳисоблаш ишлари амалга оширилган: фенологик кузатувлар И.Н.Бейдемани услубида амалга оширилган, биометрик ўлчовлар ҳар бир вариантдан 25 туп усимликда, ҳосилдорлик ҳисоб пайкалчаларидаги усимликларни ялли ўрнш ва тарозиларда ўлчаш орқали, сув буглатиш интенсивлиги Л.Н.Иванов ва бошқаларнинг «тез ўлчаш» услубида, илдиз тизимининг шаклланиши М.С.Шалитнинг «монолит» услубида аниқланган.

Усимликларнинг реал ва потенциал уруғ маҳсулдорлиги О.Ашурматов ва Х.Қаршибоев услуби асосида, уруғларнинг экиш сифатларини ўрганишда уруғчиликда умумқабул қилинган Н.Н.Кулешов услубидан фойдаланилган. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услубида амалга оширилган. Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий тадқиқотлар эколого-биологик ва агротехник йўналишларида олиб борилган. Дала тажрибалари йўналишлари, схемалари диссертацияда курсатилган.

Диссертациянинг «*Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* турларининг морфо-биологик хусусиятлари, ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида *Atriplex canescens* ва *A.undulata* усимликларининг Қарнабчул шароитидаги фенологияси, яшовчанлиги, ўсиши, шохланиши, пичан ва уруғ ҳосилдорлиги, усимликларнинг потенциал ва реал уруғ маҳсулдорлиги, илдиз тизимининг шаклланиши, сув режими, озукабоплик хусусиятларига оид натижалар баён қилинган.


Морфологик жиҳатдан турлар бир-биридан фарқ қилиши курсатилган (1-жадвал). Фенологик кузатишлар натижасида усимликларнинг Қарнабчул шароитида ривожланиш фазаларига кириш муддатлари, вегетация даврлари аниқланган.

Вояга етган (3 ёшдаги) усимликларнинг баҳорги қайта ўсиши ҳар иккала турда ҳам март ойининг иккинчи ўн кунлигида кузатилиб, *Atriplex undulata* усимлигида гунчалаш даври май ойининг бошида, *Atriplex canescens* усимлигида эса июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида кузатилган. Уруғларнинг пишиб етилиши *Atriplex canescens* усимлигида ноябрь ойида ва *A.undulata* усимлигида октябрь ойида кузатилган (1-расм), усимликларнинг вегетация даври *Atriplex canescens* усимлигида 270 кун ва *A.undulata* усимлигида 240 кунни ташкил этган.

Atriplex canescens ва **Atriplex undulata** турларининг морфо-биологик хусусиятлари

№	Морфологик элементлари	<i>Atriplex canescens</i>	<i>Atriplex undulata</i>
1	Усимлик тупи: а) шакли	ярим тик усувчи	тарвақайлаб усувчи
2	Новдалари: а) шакли	шоҳланган, юмалоқ	кучли шоҳланган, юмалоқ
	б) узунлиги, см	60-70	80-90
	в) дағаллиги	дағал	Силлик
	г) тукчалар билан қопланиши	ўртача	Ўртача
	д) бўғилар ранги	сарғиш-яшил	кумушсимон-яшил
3	Ўртача бўғин ораликлари сони:	38,5	60,0
	а) узгарувчанлик диапазоли	35-42	55-65
4	Баргланиши, %	47,9	40,3
5	Шоҳланиши (бир тўлдаги новдалари сони)	25,6-78,2	36,1-101,5
6	Барглари		
	а) катталиги, см	эни-0,5 узунлиги-6,5	эни-2,5 узунлиги-4,5
	б) шакли	ланцетсимон	текис қирқилган учбурчак
	в) тукланиши	ўртача	Кучли
	г) ранги	оч қулранг	Қулранг
7	Гул тўплами		
	а) шакли	рувак	гуллари новданинг устки қисмида барг қултиқларида жойланган
	б) узунлиги, см	30-40	50-65
	в) zichлиги	ўртача	Сийрак
	г) ранги	сарғиш-қўнғир	Қулранг
8	Меъаси		
	а) шакли:	эллипссимон	Қулчасимон
	б) улчамлари (диаметри) мм	9,0-10,0	4,0-5,0
	в) 1000 дона масса	7,8	4,8
	г) ранги	қўнғир	сарғиш-яшил

Янги яшаш шароити бўлган Қарнабчўлда ҳар иккала турларнинг яшовчанлиги ҳаётининг биринчи йилида 78,6-87,6 фоизни ташкил қилган ва бу курсаткичлар маҳаллий фитомелиорантлар бўлган изеннинг «Отавный» ва чўғоннинг «Жайхун» навлари курсаткичларидан юқори бўлиб, синалаётган турларнинг юқори мослашувчанлик потенциалига эгалигидан далолат беради. Усимликлар ҳаётининг кейинги йилларида туп сонининг камайиш ҳолатлари кузатилмаслиги ишда баён қилинган (2-жадвал).



1-расм. *Atriplex undulata* ва *A. canescens* усимликлари хаётининг учинчи йилидаги феноспектри (2014 й.)

2-жадвал

Усимликлар туپ сони динамикаси, (дона/30 м²)
(2012-2014 йй.)

Усимлик тури	1-йил (2012 й.)	2-йил (2013 й.)	3-йил (2014 й.)
<i>Atriplex canescens</i>	$\frac{30,0 \pm 2,2}{100}$	$\frac{23,6 \pm 1,2}{78,6}$	$\frac{23,6 \pm 1,2}{48,6}$
<i>Atriplex undulata</i>	$\frac{33,2 \pm 1,7}{100}$	$\frac{29,1 \pm 1,9}{87,6}$	$\frac{29,1 \pm 1,9}{48,6}$
<i>Kochia prostrata</i> «Отавный» нави	$\frac{36,1 \pm 2,3}{100}$	$\frac{27,6 \pm 1,4}{76,4}$	$\frac{27,6 \pm 1,4}{76,4}$
<i>Halothamnus subarhylla</i> , «Жайхун» нави	$\frac{34,6 \pm 2,6}{100}$	$\frac{28,5 \pm 1,1}{82,3}$	$\frac{28,5 \pm 1,1}{82,3}$

Изоҳ: курсаткичлар суратда дона ҳисобида, махражда фоиз ҳисобида берилган

Усимликларнинг буйи хаётининг биринчи йилида *Atriplex canescens* турида 43,6 см ни, *A. undulata* турида 39,2 см ни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда усимликнинг йиллик ўсиши *Atriplex canescens* турида 69,5-72,5 см, *A. undulata* турида 66,8-86,7 см атрофида бўлиб, маҳаллий турлардан

сезиларли фаркланмаслиги аниқланган. Ҳар бир тупда ҳосил бўладиган новдалар сони уларнинг ҳосилдорлик хусусиятларини ифодалайди. Ўсимликлар ҳаётининг биринчи йилида барча синалаётган турларда 2-3 донадан новдалар ҳосил бўлган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич кескин ортиши ва ўсимликлар ҳаётининг тўртинчи йилига келиб генератив новдалар сони *Atriplex canescens* ўсимлигида ўртача 46,8 дона, *A. undulata* турида 67,4 дона, изеннинг «Отавный» навида 43,6 дона ва чўғоннинг «Жайхун» навида 63,8 дона бўлиши қайд этилган.

Синалаётган турларнинг пичан ва уруғ ҳосилдорликларини ўрганиш натижасида *Atriplex canescens* ва *A. undulata* турларининг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга эканлиги аниқланган. *Atriplex canescens* ўсимлиги турли йилларда 17,6-23,4 ц/га пичан ва гектаридан 216,7-332,3 кг уруғ ҳосилни тўплаши, *A. undulata* тури эса 15,8-25,8 ц/га пичан ва гектаридан 250-356 кг уруғ ҳосилни тўплаши қайд этилган (3-жадвал). Карнабчул шароитида *Atriplex canescens* ва *A. undulata* ўсимликларининг уруғ маҳсулдорлик коэффициенти (УМК) 25,9 ва 24,2 фоизни ташкил қилиши аниқланган. Ушбу кўрсаткич изен ўсимлигида 25,0 фоиз бўлганлиги А.Раббимов (1989) томонидан қайд этилган.

3-жадвал

Истикболли чўл озукабон ўсимликларининг пичан ва уруғ ҳосилдорлиги, ц/га (2013-2015 йй.)

Тур ва навлар	Қуруқ масса ҳосилдорлиги, ц/га			Уруғ ҳосилдорлиги, кг/га		
	2-йил (2013 й.)	3-йил (2014 й.)	4-йил (2015 й.)	2-йил (2013 й.)	3-йил (2014 й.)	4-йил (2015 й.)
<i>Atriplex canescens</i>	17,6±2,3	23,4±4,2	23,3±3,9	216,7±7,1	326,6±12,1	332,3±9,6
<i>Atriplex undulata</i>	15,8±2,1	24,3±3,2	25,8±3,0	250,0±6,6	356,0±11,6	328,0±8,5
<i>Kochia prostrata</i> , «Отавный» нави	13,2±1,9	15,2±3,6	14,8±2,6	111,6±21,3	154,6±31,6	172,3±21,6
<i>Haloethamnus subarphylla</i> , «Жайхун» нави	14,6±1,7	16,2±3,4	18,4±2,9	196,4±14,6	212,4±21,6	316,4±31,6
<i>Ceratoides ewersmanniana</i> , «Тулқин» нави	12,6±1,9	13,3±2,8	15,2±1,7	96,4±21,3	116,4±23,4	119,6±26,3
Шувок-эфмерли табиий яйлов	3,6±0,8	3,9±0,6	4,2±0,4	–	–	–

Тадқиқотлар натижасида ҳар иккала тур ўсимликлари ҳаётининг биринчи йилида илдиз тизими 100 см чуқурликка, ҳаётининг тўртинчи йилига бориб эса, *Atriplex canescens* илдизлари 400 см чуқурликкача, *A. undulata* илдизлари эса 300 см чуқурликкача кириб бориши аниқланган. Мазкур бобда *Atriplex L.* туркумига мансуб айрим турларнинг озуқабоплик хусусиятлари бўйича маълумотлар ҳам ёритилган. *Atriplex* турларининг 1 кг пичани таркибида 129,0-333,0 г хом протеин мавжуд бўлиб, *Atriplex canescens* турида бу курсаткич 298,7 г ни, *A. undulata* турида эса 297,0 г ни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Озуқабоплик жиҳатидан ушбу турларнинг пичани ўртача сифатли пичан хусусиятларига тенглаштирилган. Бобда *Atriplex undulata* ва *Kochia prostrata* «Отавный» нави ўсимликларининг сув буглатиш интенсивлиги ва туқималаридаги сув миқдорларини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар ҳам келтирилиб, ушбу хусусиятлар бўйича ҳар иккала тур орасида кескин фарқ кузатилмаслиги аниқланган. Сув буглатиш интенсивлигининг максимуми куннинг энг иссиқ даврига туғри келиши, бунда *Atriplex undulata* ўсимлигининг 1 г массаси 1 соатда 1240 мг, *Kochia prostrata* ўсимлиги эса 912 мг сув буглатиши кўрсатилган. Ҳар иккала тур ўсимликлар туқималари таркибидаги сув миқдорининг кунлик динамикаси 51,2-63,7 фоиз атрофида ўзгариб туриши аниқланиб, сув режими хусусиятларига қўра ҳар иккала тур ҳам қўроқчил муҳитда ўсишга мослашган турлар, деб кўрсатилган.

Диссертациянинг «*Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata*– уруғларининг экин сифатлари» деб номланган тўртинчи бобида уруғларнинг тозалиги, 1000 дона уруғ массаси, лаборатория ва дала унувчанлиги, уруғлар ҳаётчанлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган. Олинган натижаларга қўра, ҳар иккала тур ўсимликлари уруғларининг тозалиги қуйровук, чўғон, терескен каби маҳаллий турлар уруғлариники сингари юқори эмас, яъни *Atriplex canescens* ўсимлигида 51,6 фоиз, *A. undulata* ўсимлигида 37,2 фоизни ташкил этганлиги аниқланган.

Atriplex canescens ўсимлигида оригинал уруғларнинг (ICARDA ва ICBA) 1000 дона уруғ массаси 6,7 г ни, *A. undulata* ўсимлигида эса 3,5 г ни ташкил қилган. Қарнабчўлда ҳосил бўлган уруғларнинг 1000 донасининг массаси ҳар иккала турда ҳам қисман ортганлиги қайд этилиб, уруғларнинг йириклашуви ушбу турларнинг янги яшаш шароитига мослашганлигини кўрсатади, деб хулоса қилинган. Уруғларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлиги нисбатан пастлиги, яъни 2012 йил маълумотлари бўйича *Atriplex canescens* уруғларининг унувчанлиги 30 кун давомида 18,5 фоизни, *A. undulata* ўсимлигида эса 14,0 фоизни ташкил этган.

2013 йилги тадқиқотларда эса *Atriplex canescens* уруғларининг унувчанлиги 12,4 фоиз, *A. undulata* ўсимлиги уруғлари унувчанлиги эса 13,6 фоиз бўлган, тадқиқотларда уруғларни узок муддатли совук стратификациялаш орқали унувчанлигини кескин ошириш мумкинлиги аниқланган. Уруғлар 30 кун давомида намланган кумга аралаштирилиб, ташқи муҳитда (январь-февраль) сақланганида, уларнинг унувчанлиги

Atriplex canescens турида 64,6 фоиз, *A. undulata* турида эса 52,4 фоизга етган. Уруғлар 2 кун давомида сувда ивителиб, 30 кун давомида 7-12⁰С ҳароратда сақланганида унувчанлик *Atriplex canescens* турида 82,6 фоиз, *A. undulata* турида эса 60,8 фоиз булганлиги қайд этилган. Стратификацияланган уруғларнинг дала шароитидаги унувчанликлари ҳам кескин ортиши кўрсатилган.

Atriplex canescens уруғларининг дала шароитидаги унувчанлиги назоратда ўртача уч йилда 10,9 фоиз, совуқ стратификацияланган уруғларники 19,0 ва 27,06 фоиз, *A. undulata* уруғларининг унувчанлиги назорат вариантыда 12,2 фоиз, стратификацияланган уруғларники эса 18,5 ва 26,5 фоиз булганлиги баён қилинган. Тадқиқотлар натижасида 5 йил сақланган уруғлар унувчанлигини йукотмаслиги аниқланган. *Atriplex canescens* ўсимлигининг 5 йил сақланган уруғлари унувчанлиги 63,2 фоиз, *A. undulata* турида бу курсаткич 50,8 фоиз булганлиги курсатилган. Мазкур бобда *Atriplex undulata* ўсимлигини экологик синаш ва истиқболли нав иштирокида дастлабки синаш натижалари ҳам келтирилган. Бухоро вилоятининг шўрланган қумоқ тупроқлари шароитида *Atriplex undulata* ўсимлигининг йиллик ўсиши, тупланиши, индивидуал фитомасса ва уруғ ҳосилдорлиги жиҳатидан чуғоннинг «Жайхун» ва изеннинг «Отавный» навларидан устунлиги баён қилинган.

Atriplex undulata нинг индивидуал фитомассаси 230,6 г, уруғ ҳосили 73,2 г/туп булган бўлса, чуғоннинг «Жайхун» навида бу курсаткичлар мутаносиб равишда 220,6 г/туп ва 69,0 г/туп, изеннинг «Отавный» навида 120,3 г/туп ва 26,3 г/туп ни ташкил қилган. Дастлабки нав синаш натижаларига қара, *Atriplex undulata* ўсимлиги буйи 78,4 см, генератив новдалар сони 43,6 дона/туп, кук масса ҳосили эса 48,6 ц/га ни ташкил қилган. Назорат сифатида олинган изеннинг «Отавный» навида эса курсаткичлар мос равишда 70,6 см, 22,3 дона/туп, 28,6 ц/га булганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «*Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимликларини Қарнабчўл иқлим шароитида етиштиришнинг агротехник тадбирлари» деб номланган бешинчи бобида майдон таишлаш, тупроққа ишлов бериш, уруғларни экишнинг оптимал муддатлари, уруғларни тупроққа қадашнинг оптимал чуқурлиги каби агротехник тадбирлар буйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Экишдан олдин тупроққа ишлов беришнинг шудгорлаш-мола босиш, чизеллаш-мола босиш, бороналаш-мола босиш вариантлари урганилган ва майсаларнинг униб чиқиши, яшовчанлиги ва ривожланиш курсаткичлари буйича шудгорлаш-мола босиш вариантынинг афзаллиги курсатилган.

Atriplex undulata ўсимлигининг ҳосили шудгорлаш-мола босиш вариантыда ҳаётининг биринчи йилида 9,2, иккинчи йилида 29,2, учинчи йилида 38,8 ц/га ни ташкил қилган бўлса, бороналаш вариантыда бу курсаткич энг паст курсаткичга, яъни мутаносиб равишда 2,4, 8,8, 10,4 ц/га булганлиги аниқланган. *Atriplex canescens* ўсимлигида ҳам худди шунга ўхшаш маълумотлар олинган (4-жадвал).

Экиш олдидан тупроққа турли вариантларда ишлов беришда *A. undulata* ўсимлигининг ҳосилдорлиги (ҳаётининг учинчи (2016) йилида)

Ишлов бериш вариантлари	Кук масса ҳосилдорлиги					
	30 м ² дан, кг				M±m	ц/га
	I	II	III	IV		
Бороналаш	2,3	1,9	3,6	2,5	2,6 ± 0,4	10,4
Чизеллаш + бороналаш	8,6	11,1	9,0	8,5	9,3 ± 0,6	37,2
Шудгорлаш + бороналаш	11,5	10,1	9,6	8,3	9,7 ± 0,6	38,8
$t = 9,5 > t_{0,05}(2,78) > t_{0,01}(4,60)$						

Тажрибалардан олинган маълумотларнинг биостатистик таҳлили шундан далолат берадики, маълумотларнинг ҳаққонийлиги (ишончлилиги) яъни t нинг қиймати 7,2 дан 30,9 гача ўзгариб туриб, $t_{0,5}(2,78)$ ва $t_{0,1}(4,60)$ лардан каттадир.

Максимал ҳосилдорлик ўсимликлар ҳаётининг учинчи йилида кузатилиб, бороналаш вариантыда бу кўрсаткич 10,4 ц/га ни ташкил қилган бўлса, шудгорлаш + бороналаш вариантларида эса бу кўрсаткич 33,2 ц/га ни ташкил қилиши аниқланди. Вариантлар орасидаги фарқлинишнинг (ишончлилиги) яъни t нинг қиймати 7,1 дан 9,0 гача ўзгариб туриб, $t_{0,5}(2,78)$ ва $t_{0,1}(4,60)$ лардан каттадир (5-жадвал).

Экиш олдидан тупроққа турли вариантларда ишлов беришда *A. canescens* ўсимлигининг ҳосилдорлиги (ҳаётининг учинчи (2016) йилида)

Ишлов бериш вариантлари	Кук масса ҳосилдорлиги					
	30 м ² дан, кг				M±m	ц/га
	I	II	III	IV		
Бороналаш	2,1	3,0	2,4	3,0	2,6 ± 0,2	10,4
Чизеллаш + бороналаш	7,4	6,8	5,9	7,0	6,7 ± 0,3	26,8
Шудгорлаш + бороналаш	9,6	8,9	7,8	6,9	8,3 ± 0,6	33,2
$t = 9,0 > t_{0,05}(2,78) > t_{0,01}(4,60)$						

Уруғларни тупроққа экишнинг оптимал чуқурлигини аниқлашда уруғлар: 0, 1, 2, 3, 4 см чуқурликларга кадалиб, уларнинг унувчанлиги ўрғанилган. Ҳар иккала тур ўсимлик уруғларини тупроққа қадашнинг оптимал чуқурлиги I ва 2 см варианты бўлиб, ушбу чуқурликка қумилган уруғларнинг унувчанлиги ва кўкри бўлишлиги (*A. simplex canescens* турида 12,3-27,4 фоиз, *A. undulata* турида эса 11,2-26,3 фоиз) кўрсатишган (6-жадвал).

Турли муддатларда экилган *A.undulata* усимлигининг ҳосилдорлиги
(хаётининг учинчи (2016) йилида)

Экиш муддатлари	Кук масса ҳосилдорлиги					
	30 м ² дан, кг				M±m	ц/га
	I	II	III	IV		
Декабрь	8,6	11,2	7,4	10,1	9,3 ± 0,8	31,0
Январь	7,8	8,5	7,9	6,9	7,7 ± 0,3	25,6
Февраль	5,8	6,3	5,0	4,2	5,3 ± 0,4	17,6
$t = 15,0 > t_{0,5}(2,37) > t_{0,01}(3,50)$						

Диссертациянинг «Олабуталарни етиштиришнинг иктисодий самарадорлиги» деб номланган олтинчи бобида олабута усимлигини етиштириш учун сарфланган харажатлар, олинган пичан ва уруғ ҳосили, қиймати, олинган соф фойда ва рентабеллик даражалари туғрисида маълумотлар 2017 йил қийматлари асосида ҳисобланган. Олабуталар иштирокида яратилган сунъий яйловлар ҳосилдорлиги ўртача 20 центнерни ташкил қилиб, ҳозирги кундаги нархларда етиштирилган яппи пичаннинг баҳоси 800000 сўмни ташкил қилган. 1 гектар майдонда олабута етиштиришга сарфланган 1 маротабалик харажатлар 520650 сўмни, бунда соф фойда 279350 сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 53,6 фоизлиги қайд этилган. Олабутазорлардан фойдаланишда кейинги йилларда харажатлар асосан йиғиштириб олишга сарфланади ҳамда соф фойда миқдори кескин ортади.

ХУЛОСАЛАР

1. ICARDA ва ICBA ташкилотларидан уруғлари олинган кўп йиллик олабута турлари – *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* Қарнабчўл яйловларининг ҳосилдорлигини 4-5 маротаба ошириш имконини берувчи истикболли фитомелиорантлардир. Ушбу усимлик турлари йиллик ёғингарчилик миқдори 160 мм булган чўл худудларига гектаридан 15,8-25,8 ц/га пичан ва 216-356 кг уруғ ҳосилини тўплайди.

2. *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* усимликлари Қарнабчўл иклим шароитида узоқ вегетация даврига эга бўлиб, (240-270 кун), кузги ва қишқи мавсумларда фойдаланишга мулжалланган кўп компонентли, юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларини яратишда истикболли компонент сифатида хизмат қилади.

3. *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* усимликлари Қарнабчўл шароитида тупроққа чуқур кириб борувчи кучли илдиз тизимига эга бўлиб, катта ҳажмдаги тупроққа тарқалади. *Atriplex canescens* усимлиги илдизлари ҳаётининг биринчи йилида тупроққа 100 см чуқурликкача, *Atriplex undulata* усимлиги илдизлари эса 70 см, ҳаётининг тўртинчи йилида *Atriplex canescens*

илдизлари 400 см, *Atriplex undulata* ўсимлиги илдизлари эса 300 см чуқурликкача кириб боради.

4. *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимликларининг Карнабчул шароитидаги уруғ маҳсулдорлик коэффиценти (УМК) 24,2-25,9 фоизни ташкил қилиши уларнинг янги яшаш шароитига маҳаллий фитомелиорантлар сингари яхши мослашганлигидан далолат беради. 1000 дона уруғ массасининг ортиши ҳам (*Atriplex canescens* оригинал уруғлари абсолют массаси 6,7 г, *Atriplex undulata* ўсимлигиники 3,5 г., Карнабчул репродукциялариники *Atriplex canescens* ўсимлигида 7,4-7,7 ва *Atriplex undulata* ўсимлигида 3,6-3,9 г) ушбу ўсимлик турларининг Карнабчул шароитига яхши мослашганлигидан далолат беради.

5. *Atriplex undulata* ўсимлиги сув буглатиш интенсивлиги, тўқималаридаги сув миқдори хусусиятлари буйича маҳаллий фитомелиорант булган изендан – *Kochia prostrata* (L.) Schrad кескин фарқ қилмайди аксинча, унинг сув режимини изенга нисбатан тургунроқ деб баҳолаш мумкин. Ўсимликларнинг гуллаш даврида (сентябрь) изеннинг 1 г ҳул массаси 1 соатда 8⁰⁰да 308 мг/соат, 12⁰⁰да 912 мг/соат, 18⁰⁰да 196 мг/соат сув буглатган бўлса, *Atriplex undulata* ўсимлигида бу курсаткич 8⁰⁰да 192 мг/соат, 12⁰⁰да 1240 мг/соат, 18⁰⁰да 226 мг/соат булганлиги аниқланди. Шу даврда тўқималар таркибидаги сув миқдори *Atriplex undulata* ўсимлигида 56,8-61,7 фоиз булган бўлса, изенда 50,7-58,6 фоиз булганлиги аниқланди.

6. *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимликлари уруғларининг лаборатория (12,4-18,5 фоиз) ва дала (10,9-12,2 фоиз) унувчанлиги нисбатан паст. Уруғларни экиш олдидан совуқ стратификациялаш улар унувчанлигини кескин оширади. Уруғларни 30 кун давомида намланган кумда ташки муҳитда сақлаш (январь-февраль) унувчанликни назоратга нисбатан 51,6-74,4 фоизга, намланган буз халтачаларда 30 кун давомида 7-12⁰С хароратларда қоронги шароитда сақлаш эса назоратга нисбатан 117,2-148,2 фоизга ошириш имконини беради.

7. *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимликлари уруғлари 5 йил сақланганда ҳам унувчанлигини йўқотмайди (мос равишда 63,2 ва 50,8 фоиз) ва уларнинг бу биологик хусусияти маҳаллий фитомелиорантлардан фарқи Улароқ, уруғ захираларини яратиш ва сақлаш имконини беради.

8. *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимликларини экишда тупроққа ишлов беришнинг 22-25 см чуқурликда шудгорлаш ва мола босиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бундай ишлов бериш майсаларнинг юқори яшовчанлигига (78-84 фоиз) ва биринчи йилдаги жадал ривожланишига (36,4-37,2 см), юқори фитомасса ҳосилини олишга (9,2-38,8 ва 11,9 -33,2 ц/га) имкон яратади.

9. *Atriplex canescens* ва *Atriplex undulata* ўсимликларини экишнинг энг қулай муддати декабрь ойи бўлиб, бунда уруғлар табиий стратификацияланади, юқори унувчанлик (22,0-30,6 фоиз) ва яшовчанликка (61,8-75,7 фоиз) эришилади.

10. *Atriplex canescens* va *Atriplex undulata* ўсимликлари уруғларини тупроққа кадашнинг мақбул чуқурлиги 2,0 см бўлиб, бунда уруғларнинг юқори унувчанлигига (13,2-27,4 фоиз) эришилади.

11. Шувоқ-барра ўтли Қарнабчулнинг инкирозга учраган яйлов майдонлари ҳосилдорлигини оширишда *Atriplex canescens* va *Atriplex undulata* ўсимликларини етиштириш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, яйловларнинг ҳар гектарида ўртача 20 центнер пичан ёки гектаридан 800000 сўм фойда олишни таъминлайди.

12. Шувоқ-барра ўтли Қарнабчулнинг инкирозга учраган яйловлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида:

кўп йиллик олабута турларидан (*Atriplex canescens* va *Atriplex undulata*) кенг фойдаланиш;

кўп йиллик олабута турларини (*Atriplex canescens* va *Atriplex undulata*) экишдан олдин тупроқни 22-25 см чуқурликда шудгорлаш ва бороналаш;

уруғларнинг унувчанлигини ошириш мақсадида экишдан олдин совук стратификациялаш ва экишни декабрь ойида 2 см чуқурликда амалга ошириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.Qx.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

ХАМРОЕВА ГУЛНОЗ УСМОНОВНА

**АГРОТЕХНИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВВЕДЕНИЯ В КУЛЬТУРУ
МНОГОЛЕТНЫХ ВИДОВ РОДА АТРИПЛЕКС (*Atriplex* sp.) В
УСЛОВИЯХ ПОЛЫННО-ЭФЕМЕРОВОЙ ПУСТЫНЕ КАРНАБЧУЛЬ**

06.01.08-Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Самарканд - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Qx40.

Диссертации доктора философии (PhD) выполнена выполнена в научно-исследовательском институте Каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресам www.samqxi.uz и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель:	Хамдамов Искандар Хамдамович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ботиров Хидир Файзиевич доктор сельскохозяйственных наук, профессор Убайдуллаев Шавкат Рашидович кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «5» 11 2018 года в 10 часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017 Qx.12.01 при Самаркандском сельскохозяйственном институте (Адрес 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77. Главное здание Самаркандского сельскохозяйственного института, 2-этаж, зал конференций. Тел.: (+99866) 234-07-86, факс: (+99866) 234-33-20, e-mail: saai_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского сельскохозяйственного института (зарегистрирован за № _____). Адрес: 140103, город Самарканд, ул. М.Улугбека, 77.

Автореферат диссертации разослан «21» 11 2018 года
(реестр протокола рассылки № 2 от «17» 11 2018 года).



Т.Э.Остиякулов
Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.с.х.н., профессор

А.Л.Санакулов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, д.с.х.н., доцент

А.А.Элмуродов
Председатель научного семинара научном
совета по присуждению учёной степени,
д.с.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время пустынные и полупустынные зоны занимают 17-25 процентов суши земного шара¹. Пустынные и полупустынные территории Центральной Азии, Африки и Австралии занимают 40 процентов от общей территории. Указанные территории Центральной Азии, Африки и Австралии расположены на высоте 200-600 м над уровнем моря, а в Центральной Африке и в Северной Америке они находятся на высоте 1000 метров над уровнем моря. Многие пустынные и полупустынные территории граничат с высокогорьями, которые препятствуют циклонам. В этой связи, на одной стороне горных систем наблюдается обилие атмосферных осадков, а на другой господствует засуха. Таким образом, для пустынных и полупустынных зон характерна почвенная и атмосферная засуха, сильная солнечная инсоляция, резкая континентальность климата, низкая относительная влажность воздуха. В связи с этим, в пустынных и полупустынных зонах сформировался своеобразный растительный покров, состоящий из ксерофитов, псаммофитов, гипсофитов, суккулентов, галофитов и др.

Во многих пустынях мира (Гоби, Сахара, Лут, Руб-эль-Хали, Намиб, Галахари, Атакама, Симпсон) хорошо развито животноводство. В странах СНГ основная площадь пустынь расположена в Казахстане. Песчаные пустыни являются благоприятными условиями для разведения верблюдов, каракульских овец и коз. Они используются как пастбища почти круглогодично. Характерной чертой пастбищ пустынь и полупустынь является редкость растительного покрова и их низкая продуктивность из-за атмосферной и почвенной засухи. В этой связи, любая хозяйственная деятельность в зоне пустынь усиливает деградацию растительного покрова и усиливает процессы опустынивания. Поэтому, разработка научных основ рационального использования пустынных пастбищ, предотвращающая их деградацию, разработка агротехнических основ фитомелиорации пустынных пастбищ в целях повышения их продуктивности, поиск и введение в культуру перспективных видов кормовых растений из природной флоры засушливых зон, налаженное семеноводство этих перспективных видов являются актуальными задачами современной науки.

В Узбекистане в годы независимости доля производимой животноводческой продукции составляет более 40 процентов от всех сельскохозяйственных продуктов⁴. В связи с этим, в последние годы усиливаются работы по фитомелиорации деградированных пастбищ. Например, в каракулеводческих хозяйствах «Сахоба-ота», «Узбекистан», «Tim –agron chorvadori» Нурабадского района Самаркандской области, в хозяйстве «Истиклол» Нуратинского района Навийской области, в

¹ Ў.Ғ. Новости и общества / Окружающая среда

⁴ Мирзаев З. Аграр соҳадаги жадал ислохотлар // Ж. Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиғи 2017. -№ 9. -Б 9

животноводческом комплексе «Зиробод» Когонского района Бухарской области и в фермерских хозяйствах «Рустамнома» и «Тутак-Карим даласи» Заминского района Джизакской области путем посева таких пустынных кормовых растений, как изень, терескен, чогон добиваются резкого увеличения продуктивности пустынных пастбищ.

В Стратегии Развития республики Узбекистан в 2017-2021 годы предусмотрены «...модернизация сельского хозяйства путем внедрения новых инновационных технологий, повышение производительности сельскохозяйственной продукции, применение эффективных методов селекции растений и сельскохозяйственных животных». Данная диссертационная работа направлена в определенной степени на обеспечение решения тех задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан: ПП-2460 от 29 декабря 2015 года: «О реформировании и развитии сельского хозяйства в 2016-2020 годы»; ПП-2841 от 16 марта 2017 года: «О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в животноводстве» и в других нормативно-правовых документах, касающихся отрасли.

Соответствие исследования приоритетному направлению развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

